Куч — адолатда

2012 йил,
10 февраль,
жума
№ 6 (363)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БУЮК САРЧАШМАСИ

Халқимиз буюк бобокалонимиз Алишер Навоий номини асрлар оша қалб гавҳари янглиғ асраб-авайлаб келмоқда. Президентимиз ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, бу буюк аждодимизнинг бой маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганишдек хайрли ишга давлат даражасида аҳамият берила бошланди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида улуғ бобомизнинг асарлари жамланган йигирма жилдли тўплам нашр этилди. Бугунги кунда Алишер Навоийнинг ўлмас меросига эътибор нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам тобора ортиб бораётир. Унинг ижодий мероси, ғазаллари, рубоий ва достонлари Шарқ донишмандлиги хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган.

«Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлинг бир-биringизгаки, эрур ёрлиғ иш». Бобокалонимиз ушбу ўлмас сатрлари орқали ўзининг инсониятга чексиз муҳаббат билан тўлиб-тошган фалсафий ўгитларини мерос қолдирган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.**

Бугун юртимизда бошланғич таълимдан бошлаб улуғ бобомизнинг асарлари ўргатилмоқда, фарзандларимиз Алишер Навоий ҳикматларини ёд олиб, хат-савод чиқармоқда. Зеро, беназир аждодимиз асарлари ҳаёт қомуси каби бизга ҳамиша тўғри йўлни, ёруғ манзилни кўрсатади, эгриликнинг аянчли оқибатларидан сабоқ беради.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий асарларида инсонийлик, ҳалоллик, мардлик, қаноат, адолат, вафо, муҳаббат каби азалий ва абадий эзгу тушунчалар улуғланади. Инсон маънавиятига ҳамиша соя солиб келган риё, эътиқодсизлик, ҳасад, кибр каби иллатлар кескин танқид қилинади. Одам учун ҳаётнинг барча сўқмоқлари эслатилиб, инсоний камолотга элтадиган энг тўғри йўллар тавсия қилинади.

«Йигитликни ғанимат тутунгиз», деган мутафаккир бобомиз ёшликни хазина жамлаш фасли (ўз ҳаётий мезонларини шакллантириш, касб-ҳунар эгаллаш, моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкам салоҳиятга эга бўлиш)га, қариликни харжлаш даври (ўз тажрибаси ва ҳунарини муносиб ворисларига ўргатиш)га қиёслайди. Шоир назарида, бу дунё — эски бир работ, умр ғанимат, вақт шамолдай учқур. Ҳаёт тонгини ғафлат босиб ҳам, фойдали иш билан ҳам ўтказиш мумкин.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mulohaza

Жамиятнинг асосий бўғини

унинг мустаҳкам ва осойишталиги учун барчамиз масъулмиз

Маълумки, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда Президентимиз томонидан оила институтини мустаҳамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, оила — муқаддас даргоҳ, муҳим тарбия ўчоғидир. Агар инсон табиатига гўдаклигиданоқ яхшилик, эзгулик каби фазилатлар оилада сингдирилса, у келажакда, албатта, ота-онасига, Ватанига, халқига содиқ инсон бўлиб вояга етади.

Шу маънода давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг **«Мустаҳкам оила йили»** деб эълон қилинганини халқимиз мамнуният билан қарши олди. Айтиш керакки, бу ҳаётда ҳар биримизнинг умримиз бевосита оила билан боғлиқ. Оиламиз тинч, тўкис бўлса, кўнглимиз хотиржам, турмушимиз фаровон, жамиятимиз барқарордир. Янги йилнинг бундай номланиши замирида ҳам оила қўрғонини янада обод қилиш, эртанги буюк келажак пойдеворини мустаҳкам қуришдек эзгу мақсадлар муштаракдир, десак, айни ҳақиқатни эътироф этган бўламиз.

Мустаҳкам оила йили биз ижодкорлар, журналистлар, ижодий ташкилотлар зиммасига ҳам жуда катта вазифаларни юклайди. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз зарур. Қолаверса, оилада соғлом маънавий муҳитнинг шакллантирилиши муҳим аҳамият касб этишини инобатга оладиган бўлсак, бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бениҳоят катталиги яққол намоён бўлади.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Инсонийлик бурчи

у ота-она ва фарзандлар зиммасига алоҳида мажбурият юклайди

Маълумки, ота-она фарзандларининг моддий таъминотига масъул бўлганлари каби, фарзандлар ҳам кекса ота-оналарини моддий жиҳатдан таъминлашга мажбурдирлар. Бу ҳақда амалдаги қонунчилигимиз, қолаверса, мамлакатимиз Конституциясида ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 64-моддасида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», дейилган бўлса, 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», дея қайд этилган.

(Давоми учинчи бетда)

Кундалик турмушимизни транспорт воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилишда уларнинг ўрни беқиёс. Бироқ уларни бошқараётганда маҳорат ва тажриба билан бирга йўл ҳаракати қоидаларига ҳам қатъий риоя қилиш талаб этилади. Шундагина автомобиллар яқин кўмакдош, беминнат ҳамроҳга айланади. Бундай талабларга беписанд муносабатда бўлиш эса, кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Saboq

Ҳушёрлик — хавфсизлигимиз гарови

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилган. 2011 йилда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар соҳага оид қонунчиликнинг янада мукаммаллашувига олиб келди.

Бу каби қонун ҳужжатларига амал қилиш, уларнинг ижросини таъминлаш борасида Хоразм вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилда жиноят ишлари бўйича вилоят суди томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ 205 та жиноят иши кўриб чиқилди. Уларнинг 79 таси бўйича айблов ҳукми чиқарилган бўлса, 126 таси томонларнинг ўзаро ярашуви туфайли ҳаракатдан тугатилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларга кўрсатилаётган пенсия таъминоти хизмати сифатини янада ошириш йўлида изчил ислоҳотлар олиб борилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Биринчи галда муҳтож бўлган аҳоли қатламлари – кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, талаба ва нафақахўрларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Yangi qonun mohiyati

Пенсия таъминоти

бу борадаги ҳуқуқий асосларнинг такомиллаштирилаётгани фуқаролар манфаатига хизмат қилади

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, 2011 йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборда бўлганлигини таъкидлади. 2011 йилда давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

(Давоми учинчи бетда)

Ёш авлодни камолга етказиш, уларда миллий қадриятларга садоқат, умуминсоний анъаналарга ҳурмат руҳини шакллантиришда ҳеч бир жиҳатни эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Жумладан, бугунги кунда турли алоқа ва ахборот воситалари – интернет, телевидение ва радио, уяли телефонлар орқали тарқатилаётган носоғлом, қолаверса, одоб-ахлоққа зид маълумотлардан ёшларимизни асраш ғоятда долзарб аҳамият касб этади.

Munosabat

Баркамол авлод — келажак пойдевори

Айтиш керакки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки давриданоқ ёш авлод камолотига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Жумладан, 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг муқаддимасида давлат халқ манфаатларини кўзлаб ва **«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»**ги қонунга асосланиб, республика ёшларининг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқади ва уни амалга оширади, деб белгиланган.

Хусусан, ушбу қонун билан ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар тақиқланган.

Бундан ташқари «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда болаларни порнография, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилиш билан боғлиқ ахборотларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ҳар томонлама мустаҳкамлаб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Аввало шуни айтиш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда молия-банк тизими чуқур ислоҳ қилинди. Молия бозори инфратузилмаси институтларини мустаҳкамлаш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Iqtisodiyotimiz tamoyillari

Кредит ахбороти

унинг тўғри шакллантирилиши иқтисодий барқарорлик омили

Маълумки, кредитлаш банкларнинг асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади. Сир эмаски, кредитлаш кўп ҳолларда таваккалчилик ҳисобига амалга оширилади. Бу таваккалчилик ўз навбатида, кредит маблағларини йўқотиш хавфини пайдо қилади. Чунки кредит олувчи бир вақтнинг ўзида бир неча молиялаш манбаларига мурожаат этган бўлса, банклар ва микрокредит ташкилотлари ўз кредит таваккалчилигини тахмин қилишга имкон топа олмай қолади. Ана шундай муаммоларнинг олдини олиш, кредит берувчиларнинг муносабатларини тартибга солишга эҳтиёж туғилгани боис **«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»**ги қонун 2011 йил 4 октябрда Президентимиз томонидан имзоланди. Мазкур қонунга мувофиқ, кредит ахбороти алмашинуви махсус кредит бюролари томонидан амалга оширилади.

Кредит ахбороти алмашинуви ушбу ахборотнинг уни етказиб берувчилар томонидан кредит бюроларига қоида тариқасида электрон шаклда тақдим этилиши орқали амалга оширилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Mulohaza

Жамиятнинг асосий бўғини

унинг мустаҳкам ва осойишталиги учун барчамиз масъулмиз

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Юртбошимиз томонидан оиланинг жамиятдаги нуфузини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар теран ҳаётий асосга эга. Чунки ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан тўкис бўлган оилада соғлом фикрли, дунёқараши кенг, билимли, салоҳиятли фарзандлар вояга етади. Бошқа жиҳатдан оила кишига маънавий сабоқларни сингдирувчи маскан ҳам ҳисобланади. Инсоннинг ахлоқий қарашлари асосан оилада шаклланади. Бугунги мураккаб замонда эса, бу ғоятда долзарб аҳамиятга эга. Зеро, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида ўтказилган тадқиқот якунларига кўра, турмуш қуриш ёшидагиларнинг 80 фоизи оила қуриш истагидан воз кечяпти. Оила қурганларнинг шунча фоизи эса, фарзанд кўришни ўз роҳати, хизмат пиллапоясидан кўтарилиши, ҳузури учун кишан, деб ҳисобламоқда. Англияда бир жинслилар никоҳининг тантанали суратда ўтказилаётганлиги ва бошқа шунга ўхшаш моҳиятан инсонийликка зид хатти-ҳаракатлар, фожиалар ўша миллат келажагига болта урмоқда, оила муқаддаслигини барбод қилмоқда...

Ана шундай мураккаб бир вазиятда ёшларимизга ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ эътибор беришимиз, миллий қадриятларимиз, гўзал урф-одатларимизни асраб-авайлашимиз, фарзандларимизда бой тарихимиздан ифтихор қилиш, эртанги кунимизга ишонч билан қараш туйғуларини шакллантиришимиз ҳар жиҳатдан долзарблик касб этади. Бу эса, ўз навбатида, оила масаласи биргина кишининг иши эмаслигини, унинг тинч-тотувчилиги, барқарорлиги учун барча бирдек ҳаракат қилиши шартлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашни истардимки, жорий йилда давлатимиз томонидан оилага кўрсатилаётган ғамхўрлик янги босқичга кўтарилиши, оиланинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ҳар бир оилага муносиб турмуш шароити яратиш, айниқса, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши шубҳасиз. Бу эзгу вазифаларни бажаришга барчамиз сидқидилдан ёндашишимиз, оилани асрашдек азалий қадриятларимизни ёшлар онгига чуқурроқ сингдиришимиз лозим.

Энахон СИДДИҚОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими масъул котиби

Saboq

Ҳушёрлик — хавфсизлигимиз гарови

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айблов ҳукми чиқарилган жиноят ишлари юзасидан эса 5 нафар шахс жаримага, 26 нафари ахлоқ тузатиш, 36 нафари шартли жазога тортилди, озодликдан маҳрум этиш жазоси эса 12 нафар шахсга нисбатан қўлланилди.

Автотранспорт ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузганлик ҳолатлари бўйича 2250 дан зиёд маъмурий иш кўриб чиқилди ва жами 2149 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Уларнинг айримларига жарима жазоси белгиланган бўлса, 1162 нафар шахснинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи чекланди. 74 нафар шахсга нисбатан қисқа муддатли қамоқ жазоси тайинланди.

Шу ўринда айрим мисолларга тўхталиб ўтсак. Урганчда истиқомат қилувчи Бунёд Қорабоев ҳамда Александр Югайнинг ножўя хатти-ҳаракати оқибатида Владимир Романов ва Жасур Дусенбоевлар оғир тан жароҳати олган. Лекин фалокатга сабабчи бўлган Б.Қорабоев ва А.Югай жабрланувчилардан кечирим сўраб, моддий ёрдам кўрсатган. Шу туфайли жабрланувчиларнинг соғлиғи қайта тикланди, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланди. Суд жараёнида буларнинг бари инобатга олиниб, томонлар ўзаро ярашганлиги муносабати билан қўзғатилган жиноят иши ҳаракатдан тугатилди.

Афсуски, баъзи ҳолларда айрим кимсалар томонидан кечирилмас хатти-ҳаракатлар содир этилаётгани ҳам учраб туради. Хивалик Алишер Олланазаров, урганчлик Санжар Эшжонов ана шундай хатоликка йўл қўйишди. А.Олланазаровнинг йўл ҳаракати қоидасини қўпол тарзда бузганлиги натижасида ҳали 25 ёшга ҳам тўлмаган О. Рўзиматов, С.Эшжоновнинг машинани босар-тусарини билмай ҳайдагани оқибатида эса, А.Машарипов ҳаётдан бевақт кўз юмган. Устига-устак айбдорлар жабрланувчилардан кўнгил сўраб келишга ҳам ярамади. Шу боис суд А.Олланазаров ва С.Эшжоновга нисбатан муайян муддатга озодликдан маҳрум этиш ва етказилган зарарни қоплашга оид ҳукм чиқарди.

Мухтасар қилиб айтганда, амалдаги қонунларга риоя этиш, йўлларда ҳамиша ҳушёр бўлиш хавфсизлигимиз кафолати, соғлиғимиз, мол-мулкимиз дахлсизлигининг зарур шарти эканини асло унутмайлик.

Ҳасанбой МУҲАММАДЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси

Munosabat

Баркамол авлод — келажак пойдевори



тарғиб қилувчи маҳсулотларни олиб кириш, тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Юқорида қайд этилган фикрлар инобатга олиниб, республика Бош прокурори томонидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ахлоққа зид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни янада кучайтириш мақсадида **«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳасида Жиноят кодексининг 130-моддаси биринчи қисм билан тўлдирилиб, унга кўра, порнографик маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тайёрлаш, шунингдек, уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилгани учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси белгиланиши ёки ушбу модданинг иккинчи қисмида ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо белгиланиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, вояга етмаганлар тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида республика ҳудудига олиб кириш ёки тайёрлаш, шунингдек, уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятдаги ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилиш учун уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жавобгарликни кучайтириш мақсадида Жиноят кодекси 130[1]-модда билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, Жиноят кодекси «порнографик маҳсулот» ҳамда «зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар» тушунчалари таърифи билан тўлдирилмоқда.

Бундан ташқари мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, порнографик маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида республика ҳудудига олиб кириш ёки тайёрлаш, шунингдек, уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача, мансабдор шахсларга эса, 100 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жарима белгиланиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 189[1]-модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида республика ҳудудига олиб киргани ёки тайёрлагани, шунингдек, уларни тарқатгани, реклама қилгани, намойиш этгани учун, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар, шунингдек, уларни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситалари мусодара қилиниб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача, мансабдор шахсларга 100 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жарима тариқасидаги жавобгарлик белгиланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зотан, ёшларни нафақат жисмонан, балки маънавий ва руҳий жиҳатдан ҳам комил инсон қилиб тарбиялаш жамиятимизнинг пировард мақсадидир

Фахриддин КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Iqtisodiyotimiz tamoyillari

Кредит ахбороти

унинг тўғри шакллантирилиши иқтисодий барқарорлик омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кредит бюролари — қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда ташкил этилади ҳамда кредит ахбороти алмашинувини амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатувчи юридик шахс ҳисобланади. Кредит бюросининг ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи майигача оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши шарт. Шунингдек, қонунда кредит бюроларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб берилган.



Бундан ташқари мазкур қонунда кредит бюролари, кредит ахборотини етказиб берувчилар ва кредит ахборотидан фойдаланувчилар кредит ахборотининг сақланиши ҳамда рухсат этилмаган ҳолда унга киришдан, уни йўқ қилиб юборишдан, ўзгартиришдан, ундан фойдаланишдан ёки уни ошкор этишдан ҳимоя қилинишни таъминлашлари, кредит бюролари, кредит ахборотини етказиб берувчилар, кредит ахборотидан фойдаланувчилар, уларнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари кредит ахбороти алмашинуви жараёнида ўзлари олган ёки ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор этиши тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Ушбу қонуннинг муҳим талабларидан яна бири, бу — банклар, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ўзларида мавжуд бўлган барча қарзлар тўғрисидаги ахборотларни давлат реестрига киритилган камида битта кредит бюросига тақдим этишга мажбурлиги ҳақидаги қоидадир. Кредит бюролари эса, тижорат ташкилоти ҳисобланиб, кредит ахборотини қабул қилиш, тартибга солиш, тизимлаштириш, кредит тарихини шакллантириш ва муайян қарздорлар ҳақида ахборотни тақдим этиш билан боғлиқ лицензияланган фаолиятни олиб боради. Бундай ахборотни тақдим этишнинг ҳуқуқий асоси банк ва кредит бюроси ўртасида тузилган ахборот хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартнома ҳисобланади.

Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги шартнома кредит бюроси томонидан кредит ахбороти субъекти ёки кредит ахборотини етказиб берувчи ёхуд кредит ахборотидан фойдаланувчи билан тузилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу қонун кредитор ва қарздор ўртасидаги ахборот бўшлиғини тўлдиради. Кредит таваккалчилигини камайтиради. Ишончли мижозларга минимал талаблар асосида қарз берилишига, кредит бозорида рақобатни кучайтиришга, мамлакатимизда кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга хизмат қилади. Энг асосийси, ушбу янги қонун мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шарофиддин МУСАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Qilmish-qidirmish

Бурчга садоқат —

Бурч ва мажбуриятларга масъулият билан ёндашиш, доимо қонун доирасида иш кўриш, эл-юрт манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш, бир сўз билан айтганда, фидойилик энг олижаноб фазилатлардандир. Шу маънода юрт учун, унинг равнақи учун яшашни ўз бурчи деб билганлар ҳақиқий фидойи инсонлардир.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда рўй бераётган улуғвор ўзгаришлар барча соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасидир. Фуқароларимиз жамиятда рўй бераётган мисли сиз ўзгаришлардан, бунёдкорлик, яратувчанликдек эзгу саъй-ҳаракатлардан руҳланиб, она-Ватан равнақи, истиқболи йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар. Шунинг ортидан юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш тарзи қарор топмоқда.

Аммо гуруч орасида курмак учрагани каби, ҳамма бирдек хизмат бурчини виждонан бажаряпти, деб бўлмайди. Инсонни эл-юрт орасида бадном этувчи бир иллат бор — бу таъмагирликдир. Шахснинг ўзи бажараётган иш учун ўзгалардан наф кутиши қонунга ҳам, одамийликка ҳам мос келмайди. Ваколатини суиистеъмол қилиш, хизмат бурчи тақозо этиб турган ишни бажариш учун ўзгалардан таъма қилиш шахсни жаҳолат ботқоғига тортади. Уни эл-юрт орасида бадном этади.

Хўш, таъмагирлик қандай иллат? Унга қонунда қандай таъриф берилган?

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 11-бандида «Таъмагирлик — мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушириш демакдир», деб кўрсатилган.

Жиззах вилояти ҳудудий электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти энергия сотиш бўлими муҳандиси В.Ҳидоятуллаев хизмат бурчига хиёнат қилиб, таъмагирлик орқасидан жамоа ва эл орасида юзшувут бўлди. У жамият бошқаруви раисининг буйруғига асосан, Зомин туманига хизмат сафарига боради. Туман ҳудудида яшовчи аҳоли томонидан электр энергиясидан қонуний фойдаланиш юзасидан қисқа муддатли мониторинг ўтказади.

Мониторинг ўтказиш жараёнида В. Ҳидоятуллаев У.Ҳакимовнинг хонадонига киради. Ҳовлида савдо дўкони қурилган бўлиб, электр энергиясидан фойдаланиш учун туман электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузилмаганлиги, хонадон эгаси электрон ҳисоблагич ускунасини ўрнатмасдан, ноқонуний равишда электр энергиясидан фойдаланаётгани аниқланади. В. Ҳидоятуллаев бу ҳақда далолатнома тузиб, чора кўриши лозим эди. Бироқ у хизмат бурчини унутади. Фуқаронинг электр тармоқлари корхонаси олдидаги қарзини ундирмаслик, бу ҳақда далолатнома тузмаслик эвазига У.Ҳакимовдан 150 минг сўм талаб қилади.

Таъмагир В.Ҳидоятуллаев У.Ҳакимовдан 50 минг сўм олиб, қолган 100 минг сўмни эртаси куни олаётган чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланади.

Yangi qonun mohiyati

Пенсия таъминоти

бу борадаги ҳуқуқий асосларнинг такомиллаштирилаётгани фуқаролар манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кези келганда шуни алоҳида қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлган пенсия тўловлари ҳажми сўнгги 5 йилда, яъни 2006 — 2011 йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 5,8 фоизидан 8 фоизигача кўтарилди. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатлари ҳажми эса, давлат бюджети умумий харажатларининг 30 фоизидан 38 фоизга етди. Натижада 2,9 миллион нафардан зиёд фуқаролар ҳар ойда пенсия ва нафақа тўловларини олишмоқда.

Бундан ташқари ўтган 5 йил давомида ойлик пенсия миқдорлари босқичма-босқич ошириб борилди. Бунинг натижасида қарияларнинг реал даромадлари, жумладан, максимал пенсиялар 7,6 бараварга кўпайди.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган изчил сиёсатнинг давоми сифатида жорий йилдаги давлат бюджети параметрларида ижтимоий нафақалар учун 2011 йилдаги 1,5 триллион сўм ўрнига 2012 йилда 1,9 триллион сўм йўналтирилиши, пенсия тўлови харажатлари учун 6,0 триллион сўм ўрнига 7,5 триллион сўм ёки 1,3 баравар кўпроқ маблағлар кўзда тутилганлиги давлатимизнинг кам даромадли фуқароларга, айниқса, уларнинг моддий аҳволини яхшилашга бўлган эътибори ва алоҳида ғамхўрлигининг яққол намунасидир.

Шунингдек, бюджетда белгиланган харажатлардан ташқари ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилиб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 30 декабрдаги **«Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонига асосан, давлат пенсия таъминоти тизимида узоқ келажакни кўзлаган, тизимнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳот амалга оширилди. Фуқароларга пенсия тайинлаш, молиялаштириш ва тўлаш Молия вазирлиги Пенсия жамғармаси зиммасига юклатилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзининг аниқ самарасини бермоқда.

Айтиш керакки, бундай муҳим йўналишда эришилган ютуқларни қайд этган ҳолда, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **бу борада биринчи навбатда олиб бораётган сиёсатимизнинг ҳуқуқий асосларини ва қонуний нормаларини янада такомиллаштириш устида ишлашни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу ўринда гап ана шу асос ва нормаларни замон талабларига мос равишда аниқ-равшан белгилаб қўйиш, мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш ва амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурати, бугун мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш масаласини кун тартибимизга қўйиш ҳақида бормоқда.**

Шу жиҳатдан олганда, Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида маъқулланиб, жорий йилнинг 6 январида матбуотда расман эълон қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги қонун бу соҳадаги ислоҳотларнинг изчил давоми бўлди. Мазкур қонун пенсия тайинлаш чоғида ўтган узоқ даврдаги иш ҳақларини ҳозирги даврдаги иш ҳақлари даражасига келтириш механизмини ўзида мужассам этган бўлиб, энг аввало, пенсия сўраб мурожаат этган фуқаролар манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Хусусан, ушбу янги қонуннинг 31-моддасига киритилган ўзгартишларнинг асосий моҳияти **«пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақи ўтган йиллардаги иш ҳақларини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда қайта ҳисобланиши»**нинг белгилаб қўйилишидир. Бошқача айтганда, киритилган ўзгартишлар ўтган даврдаги инфляция даражаси, нарх-навонинг ошиб бориши оқибатларидан фуқароларнинг даромадларини, уларнинг ижтимоий манфаатларини муҳофаза қилиш, пенсиялар тайинлашда фуқаролар пенсия сўраб мурожаат этишидан кўп йиллар аввал олинган иш ҳақларини ҳозирги пайтдаги иш ҳақлари даражасига тенглаштириш учун иш ҳақларини қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди. Бунинг натижасида пенсия сўраб мурожаат этган фуқаронинг пенсия тайинлаш учун олинадиган иш ҳақи ижтимоий адолат тамойилларига мос равишда бугунги кун иш ҳақларига тенглаштирилишига, ҳар бир фуқаронинг бу борадаги ҳақ-ҳуқуқлари таъминланишига эришилади.

Шунингдек, қонуннинг 36-моддаси матни ҳам янги таҳрирда баён этилиб, унга кўра, хорижда ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақи мазкур фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлаган суғурта бадалларининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Эндиликда қонунчиликдаги мазкур ўзгартириш туфайли фуқаролар хорижда ишлаган даври учун ишлаб топган даромадидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўласа, тўланган суғурта бадали миқдоридан келиб чиқиб, чет элда ишлаган даври учун унинг иш ҳақи аниқланади ва бу пенсия тайинлашда ҳисобга олинади.

Умуман олганда, мазкур қонун давлат ижтимоий ҳимоя соҳасининг пенсия таъминоти тизимини бозор иқтисодиёти шароитларига мувофиқ равишда такомиллаштириш, фуқароларнинг пенсия таъминотига оид ҳуқуқ ҳамда манфаатларини самарали таъминлаш имконини беради.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Бу ҳаётда инсон умри ҳамиша бир текис кечмайди. Баъзан киши ён-атрофидагиларнинг, яқинларининг кўмак ва меҳр-шафқатига эҳтиёж сезади. Бундай пайтда адашган кишига тўғри йўл кўрсатиш, унга хатосини тузатиш учун имкон бериш бағрикенглик ва олижаноблик саналади.

Bag`rikenglik tamoyillari

Қарор ва ижро



Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз бошқа давлатлар билан ўзаро тенглик ҳуқуқи асосида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бу фуқароларимизнинг хорижий мамлакатларга турли мақсадларда чиқиши, жумладан, ўқиши, саёҳат қилиши, дам олиши учун кенг шарт-шароитлар яратди.

Албатта, бу имконият ва қулайликлардан қонун доирасида фойдаланиш лозим. Аммо ҳаётда бу борадаги қонун талабларини бузиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этсак, хориж фуқароси К.Халилов (исм-фамилиялар ўзгартирилди) таниши С.Абдуманноповага тегишли «Mersedes-Benz S500» русумли автомашинани ишончнома орқали бошқариб, Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги чегара постидан тегишли тартибда республикамиз ҳудудига кирган. Албатта, божхона ходимлари К.Халиловга божхонага оид тартиб-қоидаларни батафсил тушунтиришган ва автомашинани бир ой муддатда республикамиз ҳудудидан олиб чиқиб кетиши лозимлигини тайинлашган. Бу К.Халиловнинг зиммасига юклатилган мажбурият эди.

Бироқ К.Халилов мажбурият ижросини таъминлашни унутиб қўйди. У автомашинани Самарқанд тумани «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи А.Аҳмедовга бериб юборди. Албатта, К.Халилов автомашинани А.Аҳмедовга беришни маъқул кўрганининг ёмон томони йўқ. Аммо у аввал автомашинани қонуний тартибда расмийлаштириши, сўнгра божхона тўловини тўлаши лозим эди.

Хуллас, К.Халилов хориждан республикамиз ҳудудига олиб кирган автомашинани қонуний тартибда расмийлаштирган, божхона ходимлари томонидан юклатилган мажбурият ижросини таъминлаган, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товламаганида эди, Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми «а» банди, 184-моддаси 3-қисми билан айбланиб, иши терговдан судга оширилмасди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Инсонийлик бурчи

у ота-она ва фарзандлар зиммасига алоҳида мажбурият юклайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Хўш, бу мажбурият ота-она ёки фарзандлар томонидан ихтиёрий бажарилмаган ҳолларда қандай йўл тутилади?

Аввало шуни таъкидлаш керакки, қонун талабларига кўра, вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

Агар вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида ўзаро келишув бўлмаса ёки улардан бири алиментни ихтиёрий равишда тўламаса, ота-онадан бири алимент ундириш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Яна шуни қайд этиш жоизки, қонунда вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбурияти тенг ҳисобланади. Шунингдек, вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож фарзандларга таъминот беришда ҳам ота-онанинг мажбурияти тенгдир.

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми, икки бола учун — учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — тенг ярми миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Аммо ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Шу ўринда бир мисол келтириб ўтсак. Ғузорлик И.Ҳамроева судга мурожаат этиб, икки нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун собиқ турмуш ўртоғи Н.Жалоловдан алимент ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судининг суд буйруғига кўра, қарздор Н.Жалоловдан ундирувчи И.Ҳамроеванинг фойдасига икки нафар болаларининг моддий таъминоти учун, улар вояга етгунига қадар қарздорнинг иш ҳақи ва барча даромадларининг учдан бир қисми миқдорида алимент ундириш белгиланди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ота-она вояга етмаган болаларга таъминот бериш мажбуриятидан ташқари, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларини ҳам моддий таъминлаши шарт.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш тартиби ҳам ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Агар ота-она ўртасида бундай келишув бўлмаса, низо суд тартибида ҳал қилинади.

Ота-онадан вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундириладиган алимент миқдори суд томонидан уларнинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, ота-она вояга етмаган болаларига алимент беришдан ташқари, болаларнинг таъминоти учун қилинадиган қўшимча харажатларда, яъни фавқулодда ҳолатлар (боланинг шикастланиши, касал бўлиши) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши ҳам мажбурийдир.

Шу ўринда бир мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, даъвогар Н.Тўраева жавобгар И.Аликуловга нисбатан фарзанди таъминоти учун қилинган қўшимча харажатларни ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, 2008 йил 29 сентябрда фарзанди Маржона Олтибоева ногирон туғилганлиги ва ҳозирда Қамаши тумани болалар кўп тармоқли поликлиникасида ҳисобда туриши, жавобгар боласига моддий жиҳатдан ёрдам бермасдан келаётганлигини билдириб, ундан боласини даволатиш учун кетган қўшимча харажатларни ундиришни сўраган. Фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро суди томонидан даъво қаноатлантирилди, яъни ҳал қилув қарорида жавобгар И.Аликуловдан даъвогар Н.Тўраеванинг фойдасига фарзандини даволатиш учун кетган 688 350 сўм қўшимча харажатни ундириш белгиланди.

Айтиш керакки, вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаш ҳақидаги суднинг буйруғи ва ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар, Оила кодексининг 79-моддасига асосан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Шунингдек, ота-онага моддий ёрдам бериш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажармаслик ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар қонун билан тартибга солинган бўлиб, бу борада низо келиб чиққан тақдирда фуқаролар ўзларининг қонуний ҳуқуқларини таъминлашни сўраб судга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Зотан, инсоний бурчлар ҳам ота-онага, фарзандларга меҳр кўрсатишни, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни тақозо этади.

Шавкат ҲАМДАМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Мен уйимнинг ёнидан иморат қуриб, шу ерда яшаётган эдим. Ҳокимиятдан келган вакил бу жойнинг яшашга мўлжалланмаганини таъкидлади. Айтинг-чи, қандай жойлар яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ҳисобланади?

Э.ЁРМАТОВ,
Тошкент шаҳри

— Вазирлар Маҳкамасининг **«Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»**ги Низомининг 2-бандига мувофиқ, яшаш учун мўлжалланмаган жойларга кўп квартирали уйлардаги фуқаролар яшаши учун мўлжалланмаган қуйидаги алоҳида жойлар тегишли бўлади:

а) уйни қуришда лойиҳаларда кўрсатилган уйнинг ёнига кейин қурилган жойлар;

б) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уйнинг қуйи қаватидаги тураржойдан яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказилган жойлар;

в) қайта жиҳозланган ертўла ва ярим ертўла жойлар, техник мақсадларга мўлжалланган жойлар бундан мустасно.

Яшаш учун мўлжалланмаган жойда бошқа уй-жойлардан алоҳида кириладиган эшик, табиий ёритиш ва вентиляция; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи ёнғинга қарши ҳамда қурилиш қоидаларининг функционал вазифаси ва талабларига мувофиқ жойнинг девори, шифти, поли қопланган, пардозланган бўлиши керак.

— Айтинг-чи, қандай ҳолларда алимент миқдорини камайтириш мумкин?

Ж.КОМИЛОВ,
Уйчи тумани

— Оила кодексининг 105-моддасига кўра, алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлган ҳолатлар тугаганда манфаатдор тараф алимент қонунда белгиланган миқдорда ундирилишини талаб қилиб, судга мурожаат этишга ҳақли.

Саволларга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

олижаноб фазилат

унга зид иш тутиш эса одамни юзшувут қилади

В.Ҳидоятуллаев бу жиноий ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 210-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

С.Сатторов эса, маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаган.

Шу билан бирга у бу ерда ташкил этилган икки ва ўн олти ёшгача бола тарбияси учун ҳамда кам таъминланган оилаларга нафақа тайинлаш бўйича комиссия раиси ҳисобланган.

Судланувчи Д.Тошбоев эса, ушбу маҳалла фуқаролар йиғини котиби лавозимида ишлаган.

Гап шундаки, Р.Султонов маҳалла раиси С.Сатторовга фарзанди икки ёшга тўлгунига қадар нафақа тайинлаш масаласини ҳал қилиб беришни сўраб мурожаат қилади. С.Сатторов эса тегишли тартибда фуқаро мурожаатини комиссия аъзолари иштирокида кўриб чиқиши, нафақа тайинланиши масаласини ҳал этиши лозим эди. Лекин С.Сатторов таъмагирлик йўлини тутади. У Р.Султоновдан 100 минг сўм талаб қилади. Ҳатто агар шу пулни бермаса, нафақа тайинламаслигини айтади.

Келишувга биноан, эртаси куни Р.Султонов С.Сатторовнинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб: «Мен келувдим, хонангизда йўқ экансиз, кечагини олиб келувдим» — деганида, маҳалла раиси: «Йиғилишдаман, котибга ташлаб кетавер», — деб жавоб қилади. Шу тариқа Д.Тошбоев Р.Султоновдан маҳалла биносида 100 минг сўмни пора сифатида олган чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланади.

Ўйлаб қарасак, В.Ҳидоятуллаев ҳам, С.Сатторов ва Д.Тошбоевлар ҳам суднинг қора курсисига ўтирмаслиги, жиноий жазога тортилмасликлари мумкин эди. Аммо ҳизмат бурчини унутишгани, ҳалолликдан тойиб, таъмагирлик кўчасига киришгани уларни эл-юрт орасида юзшувитликка олиб келди.

Суд судланувчи В.Ҳидоятуллаевга унинг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади. Судланувчи С.Сатторов Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» банди билан айбли топилиб, тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилди. Д.Тошбоевга эса, суд энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида жарима жазоси белгилади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ В.Ҳидоятуллаев икки йил муддатга, С.Сатторов ва Д.Тошбоевлар уч йил муддатга мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Агар судланувчилар ўзларига ишониб топширилган вазифани ҳалол бажарганларида, таъмагирлик қилмаганларида бу кўйга тушишмасди, албатта. Бу ҳолат ота-боболаримизнинг «Текин тешиб чиқади», деган нақлини ёдга солади. Шундай экан, бурчга садоқат, ҳалоллик умримиз мезони бўлсин!

Шуҳрат КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди раиси вазифасини бажарувчи

Jinoyat va jazo

Гиёҳвандлик — аср вабоси

Инсоният ҳар қанча тараққий этмасин, ривожланишнинг энг юксак чўққиларини забт этмасин, барибир, тинчлик, осойишталик, сиҳат-саломатлик каби неъматлар ўз қадрини йўқотмайди. Зотан, кўнгли хотиржам, тани саломат бўлгандагина кишига тараққиёт мевалари татийди.

Сўзни бежиз тинчлик ва соғликнинг аҳамияти ҳақида бошламадик. Бу ҳаётда ана шу неъматларнинг ҳар иккиси учун ҳам бирдай хавфли бўлган иллатлар бор. Масалан, бугунги кунда гиёҳвандликнинг дунёга солаётган хавфи трансмиллий жиноятлар — халқаро терроризм ва одам савдосиникидан кам эмас. Шу боис ҳам гиёҳвандлик иллатига қарши курашиш жаҳон миқёсида ҳам, алоҳида давлатлар учун ҳам ғоятда долзарблик касб этмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

Алишер Навоий ҳикматлари

Йигитликда йиғ илмнинг махзанин,
Қарилик чоғида харж қилғил ани.

* * *

Тилинг бирла кўнглингни бир тут,
Тили-ю кўнгли бир киши айтган сўзга бут.

* * *

Олам аҳли, билингизким, иш эмас дашманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизга, ки эрур ёрлиғ иш.

* * *

Киши чинда сўз деса, зебодурур,
Неча мухтасар бўлса, авлодурур.

* * *

Кўп деган кўп янглишур.

* * *

Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар.

* * *

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.

* * *

Яхшилиқ қила олмасанг, ёмонлик ҳам боре қилма.

Munavvar lahzalar

Миллий маънавиятимизнинг буюк сарчашмаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шундай экан, инсон ўз ҳаётини «улуснинг навобахши бўлиш» йўлида сарфласа, ўзидан яхши ном қолдирса, чин саодатга эришади.

Ҳазрат Навоийнинг олти аср муқаддам айтган бу сўзлари бугун ўз ижобатини топаётир. Мамлакатимизда ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаши, ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этиши учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Улуғ бобомиз ҳикматларида ҳам олам ўзгариши учун, аввало, одам, унинг қалби, мезонлари ва дунёқараши ўзгариши лозимлиги ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган фикрлар билан исботлаб берилган:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан, ўзингдан истагил,

деган улуғ бобомиз эл шод, мамлакат обод бўлиши учун, аввало, одамзод ўз борлиғидаги «ҳирсу ҳавас хирмони»ни барбод, «нафсу ҳаво қасри»ни барафтод этиши (ағдариши) лозимлигини уқтиради.

Йиллар, асрлар ўтади. Аммо буюк бобомизнинг боқий мероси, унда улуғланган миллий тутумлар умуммиллий ва умумбашарий эзгу ғояларни тарғиб этиб яшайверади. На вақт, на макон таомиллари дахл қилолмаган бу беназир маънавий хазина бизга маънавият, эътиқод, тасаввур ва тафаккурнинг энг эзгу ғояларидан сабоқ бераверади. Зотан, ўз ҳаётини умуммиллий қарашлар тизими асосида барпо этган, аждодлардан мерос муқаддас булоқлардан сув ичиб, томир ёйган авлодларни ҳеч қандай куч енголмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугунги кун ҳар биримизнинг олдимизга Навоийдек буюк зотни чуқур англаш, бу билимимизни ҳаётимиз ва маънавиятимизнинг фаол ҳамкорига айлантиришдай юксак вазифани қўймоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, шоирнинг ҳаёти ва бой мероси, хайрли амаллари барчамиз учун ибратлидир. Давлатимиз раҳбари кўп марта таъкидлаганидек, **халқимиз ёруғ ва буюк келажакни ният қилиб олдинга интилаётган экан, унга юксак маънавиятсиз эришиб бўлмайди. Бу жараёнда эса Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳамиша йўлимизни нурафшон этиб тураверади.**

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қаддинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингға бағир қонидин хино боғла,
Итингға ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.

Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени,
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошолиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

G'aroyib olam

Кўзгудаги сир-синоат

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Аввалги ҳикояларимизда кўзгунинг «хотираси», унинг ҳамма нарсани «ёд»да сақлаб қолавериши ҳақида сўз юритган эдик. Албатта, бу билан «кўзгу жуда хавфли экан-да», деган фикрга бормаслик керак. Аксинча, кўзгу бизга хавф-хатарларни бартараф этишда ҳам кўмак бериши мумкин.

Олимларнинг фикрича, кўзгунинг ғоятда силлиқ сатҳи барча нурланишларни қайтаради. Унинг бу ғаройиб хусусиятларидан Шарқ мамлакатларида қадимдан фойдаланиб келинган. Бу ердаги ишонч-эътиқодга биноан, коинотдан келувчи қувватнинг уйга кирувчи ўта кучли оқими оила аъзоларининг қувватини босиб кетиши, танада кечувчи жараёнларни мувозанатдан чиқариши ва ҳатто касаллик чақириши мумкин. Ана шу хил «қувват елвизаклари»га қарши кўзгудан фойдаланилади.

Кўзгунинг бундай зарарсизлантириш хусусиятидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳам мумкин. Ер қаъридан чиқувчи ва инсон саломатлиги учун хавфли бўлган зарарли нурланишлар билан боғлиқ геопатоген зоналар ҳозирги вақтда кўпчиликка маълум. Халқимиз бундай ерларни азал-азалдан «бехосият жойлар», деб атайди. Аксар ҳолларда бу салбий қувват оқими (устуни) ер сатҳининг атиги шапалоқдек келадиган нуқтасидан чиқиши, аммо ўта кучли бўлиши мумкин.

Бехосият жойлар исталган ҳудудда учрайди ва ер қаъридан чиқаётган зарарли нурланиш юқорида исталган объектга тўғри келади. Ана шу сабабли ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида шифохона, мактаб, турар жой биноларини геопатоген зонада қуришга рухсат берилмайди.

Яна бир гап. Одам кўзгу ёрдамида ўз танасининг қувватидан фойдаланиб, ўзини даволаши ҳам мумкин. Бироқ бу унчалик осон жараён эмас. Бу ўринда энг муҳими — кўзгу билан ўзингизнинг орангиздаги зарурий масофани нозик ҳис қила олишдир. Чунки фақат биргина жойда — ўзига хос фокус нуқтасида бу қувват самарали ёрдам кўрсатади. Агар кўзгуни сал яқин ёки сал узоқ тутсангиз борми, у, аксинча, сизнинг қувватингизни сўриб ола бошлайди.

Дунёдаги баъзи халқлар бу ҳодисани қадим замонлардан бери ички бир туйғу билан сезиб келишади. Бинобарин, аёл кўзгуга кўп қараши туфайли ҳам эркакка нисбатан тезроқ қарийди, деган фикрда жон бор. Мисол учун замонавий биоэнергетика фани мазкур жараённи қуйидагича изоҳлаб беради: «одам танасини ташқаридан худди пилла қобиғи сингари ўраб олган юпқа қувват пардаси — аура бор. Кўзгуга қараганингизда танангиздан унинг сиртига бориб қайтган қувват сизга қўшимча куч бермайди, балки ана шу ҳимоя пардасини олд томондан «емириб», кучингизни сўриб ола бошлайди. Яъни кўзгуга қанчалик кўп қарасангиз, қувватингиз шунчалик камаяди».

Шу боисдан ҳам уч ёшга тўлмаган болани кўзгуга қаратиш тавсия этилмайди. Акс ҳолда у йиғлоқи, инжиқ бўлиб қолади, тиши чиқиши кечикади. Гўдак ҳали жуда ёш эканлиги сабабли кўзгудан қайтувчи яхши-ёмон таъсирни ўзига сингдира олмайди. Турли халқларда кўзгуга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш уқтирилишининг сабаби ҳам шунда. Ҳатто баъзи халқларда кўзгуни уйда умуман сақлашмаган. Чунки улар кўзгу бошқалардан ўзига салбий қувват «юқтириб», кейин ўзга кишиларга узатади, деб ҳисоблашган.

Шу ўринда халқимизда «Синган кўзгуга боқиш бехосиятдир», деган қараш борлигини ёдга олайлик. Баъзи халқларда сингани у ёқда турсин, ҳатто дарз кетган кўзгу ҳам бехосият, деб ҳисобланади. Хўш, бу қарашлар илмий ҳақиқатга қанчалик тўғри келади?

Ҳозирги кунда кристалл моддадаги ҳар қандай дарз, ёриқ жуда кучли, баъзан ҳатто хатарли нурланиш манбаига айланишига кўпчилик физикларнинг ишончи комил. Яъни қувват ёриқлардан такрор-такрор синиб қайтиши оқибатида бағоят кучайиб кетади ва ниҳоят, фавқулодда улкан таъсирга эга бўлади. Худди шундай, кўзгудаги дарз ҳам соғлиқ учун хавфли бўлган нурланишни аввал ўзига тортиб, кейин чиқариши мумкин.

Албатта, синган кўзгунинг зарарли таъсирини бошқа омиллар билан ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, синиқларнинг ўткир бурчаклари материалга жамланган қувватнинг зич оқимларини муайян бир нуқтага йўналтиради. Натижада ўта кучли қувват ана шу нуқтага зарар етказади. Умуман, ҳар қандай ўткир бурчак ўзидан кўринмас салбий қувват чиқариши тадқиқотларда аллақачон исботлаб берилган.

* * *

Эниология, биоэнергетика фанлари мутахассисларининг таъкидлашича, кўзгуга имкон қадар кулиб яқинлашиш, беморлик ёки толиққан чоғларда унга камроқ қараган маъқул экан. Буларга қўшимча қилиб яна шуни айтиш керакки, кўзгу қаршисида ўзингизни зинҳор-базинҳор сўкиб-қарғаманг, чунки ҳаммаси ўзингизга қайтиши мумкин.

Мана, азиз газетхон, бир қарашда оддийгина кўринган кўзгу шунча сир-синоатни яширишига гувоҳ бўлдик. Албатта, бу билан кўзгу ҳақидаги ҳақиқатлар шу билан тугади, демоқчи эмасмиз, билъакс, оламнинг сиру асрори тамом бўлмаслигини, у ҳақида қанча кўп билишга интилсанг, билмаганинг шу қадар кўпайишини таъкидламоқчимиз, холос.

Абдурашид ҲАСАНОВ,
техника фанлари доктори

Bag'rikenglik tamoyillari

Қарор ва ижро

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Суд хориж фуқароси К.Халиловга оид жиноят ишини кўриш жараёнида Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Судланувчи К.Халилов судга ариза билан мурожаат қилди. У аризасида ўзига нисбатан қўйилган айбга тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, жиноят ишини мазкур амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатишни сўраган.

Суд Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»**ги қарорининг 7-бандига асосан жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш ҳақида ажрим чиқарди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қонуний, одилона бўлиши, демократия ва инсонпарварлик тамойилларига мос тушиши лозим.

Шунингдек, мамлакатимизда муҳим саналар муносабати билан қабул қилинаётган амнистия қарорлари билиб-билмай хато қилган, сўнг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган фуқароларнинг тўғри йўлга тушиб олишига имкон бермоқда. Оилали, уч нафар фарзандниг отаси бўлган К.Халиловга ҳам ана шундай бағрикенглик қилмишидан тўғри хулоса чиқаришига имкон берди.

Зафаржон ФАЙЗИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд тумани судининг раиси вазифасини бажарувчи

Jinoyat va jazo

Гиёҳвандлик — аср вабоси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси ҳақида Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги қарорида шундай таъкидланади: «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, республикадаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади, кўпинча у уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлади».

Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ жамият хавфсизлигига таҳдид қилувчи жиноят сифатида ноқонуний гиёҳвандлик моддалари савдоси ҳамда уни истеъмол қилишга қарши курашиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида бу борадаги чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ шакллантирилди, халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Айниқса, 1999 йилда **«Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилиниши гиёҳвандликка қарши курашишда муҳим омил бўлмоқда.

Айтиш керакки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қаторида судлар ҳам гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний олди-сотдиси ҳамда уни истеъмол қилишга доир жиноятларга қарши курашишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунда, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар ўтказилаётгани, гиёҳвандликка оид жиноят ишларининг кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда сайёр суд мажлисларида кўрилаётгани, ушбу жиноятнинг аянчли оқибатлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётгани, жиноятнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тегишли давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, жамоат бирлашмаларига хусусий ажрим ва тақдимномалар киритилаётгани муҳим омил бўлаётир.

Шунга қарамай, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси, уни истеъмол қилиш жиноятларининг ҳали-ҳамон учраётгани ташвишланарлидир.

Масалан, Учқўрғон туманида яшаган, фуқаролиги бўлмаган Н.Усмонов ўзига сохта фуқаролик паспортини ясаб олган. Сўнг қўшни мамлакатдаги ҳамтовоқлари Қўлдош ва Ёқуб ҳамда учқўрғонлик шериклари К.Болтахўжаев, Р.Абдуллаев, А.Жўраев, Х.Асакулов, И.Жўраев, А.Темиров, Ш.Тўхтабоев ва З.Мамасолиевлар билан ўзаро тил бириктирган ҳолда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини божхона назоратини четлаб ўтиб, республикага контрабанда йўли билан олиб ўтиш, ушбу гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний равишда сотиш жиноятларини содир этган. Жумладан, 2011 йилнинг ёзида бир неча марта Қўлдош билан Ёқуб кўп миқдордаги «гашиш» гиёҳвандлик воситаларини К.Болтахўжаев ва А.Темировлар орқали етказиб берган, Н.Усмонов эса ушбу гиёҳвандлик моддаларини Р.Абдуллаев, А. Жўраев, Х.Асакулов ва бошқа жиноий шериклари орқали Фарғона водийсининг турли ҳудудларига, шунингдек, А.Жўраевнинг чет элда яшовчи укаси орқали хорижга ҳам тарқатилишини таъминлаган. Ниҳоят, жиноий гуруҳ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан 2011 йилнинг 16 сентябрь куни жиноят устида қўлга олинди.

Мазкур жиноят иши юзасидан чиқарилган суд ҳукмига кўра, Н.Усмонов, К.Болтахўжаев, Р.Абдуллаев, А.Жўраев, Х. Асакулов ва О.Темировларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жиноят иши юзасидан ашёвий далил сифатида олинган гиёҳвандлик воситалари тегишли тартибда йўқ қилинди, жиноят содир этиш қуроллари ва жиноий йўл билан орттирилган мулклар давлат фойдасига мусодара этилди.

Маълумки, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ўнглаб бўлмас оқибатларни келтириб чиқаради, давоси йўқ касалликларга гирифтор этади. 1986 йилда туғилган Камол Жўраев ҳам тубанлик ботқоғига ботганлардан биридир. У 2011 йилнинг 10 август куни ёнғоқ мағзини сотиб олиш ниятида тил бириктирган шериклари билан қўшни юртга айланма йўллар билан ўтади ва ортга қайтишда ўзи истеъмол қилиши учун 12,46 грамм «марихуана» гиёҳвандлик воситасини нотаниш кимсалардан сотиб олади. Шу тариқа К.Жўраев ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинади. К.Жўраев Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисми, 246-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилди ва унга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Юқорида сўз юритилган тоифадаги жиноят ишларини кўришда судлар томонидан Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги **«Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»**ги, 1996 йил 27 февралдаги **«Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»**ги, шунингдек, 1997 йил 22 августдаги **«Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг бажарилиши тўғрисида»**ги қарорлари талабларига қатъий риоя этилаётганини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги барқарор тинчлик-осойишталикнинг қадрига етмоғимиз шарт. Айни чоғда уни асраш ҳам барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Шундай экан, тинчликка, хавфсизликка таҳдид солувчи, инсон саломатлигини издан чиқарувчи гиёҳвандлик иллатига нисбатан муросасиз бўлишимиз, унга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга яқиндан кўмак беришимиз лозим. Ана шундагина юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо, кўнглимиз хотиржам бўлади.

Алишер ДАДАХОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Учқўрғон тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Боқижон ЯҲЁЕВ, Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9072.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰